БАДИИЙ МАТН ТУЗИЛИШИДА ДЕЙКТИК СЎЗЛАРНИНГ ЎРНИ

М.ИШАНЖАНОВА

В этой статье рассматривается роль дейктических слов в художественном контексте на примере особенностей дейктических слов, обозначающих лицо, пространство и время.

The role of deictic words in literary textsare considered in this article, for instance, the words denoting the meaning of person, space and time.

Нутқий фаолиятда лисоний шаклни воқелик билан боғлаш ҳамда унга нисбатан шахсий муносабат билдириш дейктик воситалар асосида амалга ошади.

Дейктик ибораларнинг семантик ва тизимий хусусиятлари ўзига хосдир. Улар эгоцентрик табиатга эга бўлиб, марказида дейктик бирликларга ишора қилаётган тушунча туришини ифодалайди. Дейктик иборалар коммуникатив ҳодиса – узатилаётган ахборотнинг маълум қисмларини алоҳида таъкидлаш, аниқлаштириш учун хизмат қилади. Дейктик марказни таркиб топтирувчи қисмлар қуйидагилардан иборат: 1. Марказий шахс – сўзловчи. 2. Марказий вақт – нутқий жараён ижро этилаётган вақт. 3. Марказий макон – сўзловчиниг нутқий ҳаракат бажарилаётган пайтдаги ўрни. 4. Ижтимоий марказ – сўзловчининг ижтимоий мавқеи.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам тўрт ўлчовли майдон сифатида тасаввур қилинаётган дейктик майдоннинг марказида сўзловчи шахс туради [1.164].

Бадиий матнда кечаётган воқеа ҳақидаги ахборотни маълум қилаётган сўзловчи замон ва маконни ўзи эгаллаган ўринга, вақтга нисбатан белгилайди. Матн иштирокчиларининг ижтимоий мавқеи сўзловчига нисбатан белгиланади. Вақт ўлчови ва воқеа маконлари жойлашуви ҳам сўзловчига нисбатан аниқланади.

Матннинг, айниқса, бадий матннинг коммуникатив нуқтаи назаридан таҳлил қилиниши баъзи қийинчиликлар билан боғлиқдир, чунки бадиий матнда айрим оғзаки нутқ актлари асл ҳолича қўлланмайди. Уларнинг ўрнига референтлари қўлланади.

Референция назарияси нарратив (оғзаки нутқ актларининг асл ҳолича қўлланилиши) тилшуносликка дахлдордир, чунки, энг аввало, белгиланган объектлар маъноларининг нутқий актда тенг келиши матн қисмларининг боғланишида асосий шартлардан бирини ташкил этади. Матн тузилиши белгилари ичида биринчи бўлиб борлиқнинг ушбу аспекти тилшунослар томонидан тилга олинади.

Бошқа томондан, тилдаги референция прагматикадан ажралмасдир. У, айнан, қуйидаги семантик қарама-қаршиликлардан ҳоли эмас: булар сўзловчи учун маълум/номаълумлик (унинг билиш/билмаслиги), сўзловчи ва тингловчи объектининг маълум/

номаълумлигини таҳлил қилиш ва ҳ. Шу сабабдан референцияни амалга ошириш воситалари деярли ҳар вақт дейктик ва тилдаги эгоцентрик элементларнинг ўзагини ташкил қилади. Бадиий матнда муаллифнинг иштироки сўзловчининг иштирокига ҳам ишора қилади. Бинобарин, сўзловчининг ҳар қандай матндаги нуқтаи назари тилдаги элементларнинг синтактик ва семантик муносабатлари натижасида юзага чиқади. Бунда дейктик бирликлар алоҳида ўрин тутиб, улар референцияда бевосита иштирок этади. Яъни улар шахс, вақт, макон қисмларининг ўхшашалигини кўрсатишда ишлатилади.

Объект ва ҳодисаларга нисбатан сўзловчилар томонидан референциянинг амалга оширилишини тил таъминлайди ва тилдаги референциянинг асосий қуроли бу дейксисдир. Дейксислар объектлар, ҳодисалар, вақт бирликлари ва маконни нутқий муносабатда ишоралар билан кўрсатиш учун хизмат қилади. Дейктик сўзлар бу – *мен, сен, бу ерда, ҳозир* кабилар.[2.]

Дейксис (юнонча “дейксис” – “кўрсатиш”) – лисоний шакллар ва белгилардан фойдаланиш бўлиб, улар коммуникатив актда иштирок этувчи жисмоний координатлар – қатнашчилар, макон ва замон асосида тушунилиши мумкин. Тегишли вербал воситалар дейктик ифодалар дейилади.[3.]

Дейктик белгиларнинг маъно хусусиятлари бошқа номинатив белгиларникидан тубдан фарқ қилади. Улар воқеликдаги предмет-ҳодисаларни бевосита атамасдан, балки предмет, ҳодиса, шахсларнинг нутқ вазиятига нисбатан “жойлашувини” кўрсатади. Бундай кўрсатиш мулоқот иштирокчилари (сўзловчи ва тингловчи), предмет ва шахсларнинг эгаллаган ўрни (бу ўрин нутқ субъектларига нисбатан белгиланади) ҳамда мулоқот кечаётган вақт кабиларни қамраб олади. Шу хусусиятларига кўра дейктик иборалар билвосита маънога эга лисоний белгилар сифатида қаралади.[4.166]

Нутқий жараёнда лисоний белгиларни воқелик билан боғлаш ҳамда унга нисбатан шахсий муносабат билдириш эҳтиёжи пайдо бўлади. Дейктик иборалар узатилаётган ахборотнинг айрим қисмларини алоҳида таъкидлайди ёки аниқлаштиради.

Турли тизимдаги тилларда дейктик элементлар турлича шаклда бўлади. Буларга ўзбек тилида кишилик олмошлари, кўрсатиш олмошлари, равиш ва ҳаракат феъллари, рус, француз тилларида эса маълум бир дейктик хусусиятга эга предлоглар, феъл замонлари ҳам киради.

К.Бюлер дейктик сўзларга уч томондан ёндашиш мумкинлигини эътироф этади: гапираётган шахсга нисбатан (шахс), биринчи шахснинг жойлашувига нисбатан (макон), нутқ пайтига нисбатан (замон). Тилшунослар К. Бюлерга эргашиб, одатда, дейксисни у ёки бу муносабатида нутқ субъектига қаратилган кўрсатма сифатида кўрсатадилар. Шу тарзда О.С.Ахманова “дейксис” тушунчасини сўзловчига нисбатан у ёки бу маъно муносабатида бўлган предмет ва шахсларни кўрсатувчи, ажратиб турувчи фарқловчи дея таърифлайди [5] С.Д.Кацнельсон дейктик сўзларни таърифлаб, уларнинг “нутқ субъектига доимий тегишлилигини” кўрсатади [6].

Тилшунослар дейктик ибораларнинг хусусиятларига кўра турли гуруҳларини, яъни Р.Лакофф дискурс дейксисни, Г.Юл социал дейксисни фарқлаган бўлсалар-да, анъанага кўра дейктик ибораларнинг уч гуруҳи (шахс, замон, макон дейксислари) марказий ўринга эга бўлади. Ушбу учта турга мос бўлган марказий тил бирликлари, бу 1- ва 2- шахс олмошлари (мен, сиз), локатив (бу ерда) ва вақт (ҳозир) ифодаларидир.

Шахс дейксиси предмет дейксисининг кенг кўламли қисми ҳисобланади. Предмет дейксисини ифодаловчи белгисиз воситалар учинчи шахс олмошлари бўлиб, улар кўрсатувчи имо ишоралар билан кузатилади (қўл, бош, кўз ҳаракатлари). Дейктик элементлар алоҳида лексемалар бўлиши ҳам, бошқа сўзлар таркибидаги аффикслар шаклида бўлиши ҳам мумкин.

Масалан: “*La petite **re**chauffée **s’en**dormit.”[7.16] (Қизалоқ исиғач, ухлаб қолди.)* Француз тилидаги феълларнинг аффикслар ва ўзлик олмоши билан қўлланиши феъл луғавий маъносига қўшимча маъно юклаб, улар ўзбек тилидаги нисбат қўшимчалари ва кўмакчи феъл маъноларига тўғри келмоқда.

Дейктик сўзлар объект жойлашган ҳолатларни ҳам тасвирлайди. Ҳол дейксиси (координация дейксиси) ҳол координациясининг вазият марказига ва объектнинг бу марказга нисбатан специфик муносабатларига ишора қилувчи ҳолларни тавсифлайди. ҳол дейксиси замон ва макон дейксисларига бўлинади. Замон дейксиси у ёки бу жараённинг қандайдир бир пайтга нисбатан амалга оширилиш вақтини билдиради: бунда у вақт координациясининг маркази бўлади [2]. Координация маркази бўлган пайт турлича тушунилиши мумкин: кун, соат ва бошқалар каби.

Масалан: “*La nuit... Dans **ce** noir se mouvaient **trois formes**: un loup, un ours, et un homme. Le loup était le loup. Ursus était l’ours, Gwynplaine était l’homme.* ”[7.36] *(Тун… **Бу** қоронғуликда **уч шарпа** ҳаракатланарди: бўри, айиқ ва одам. Бўри - бўри. Урсус - айиқ. Гвинплен одам эди.)* Бунда нутқ вазияти сўзловчи кўз ўнгида ривожланяпти. Бу ҳолатда нутқ пайтининг вазиятга “қўшилиши” рўй беради. Назарда тутилган нутқ вазияти, сўзсиз, у ҳақда хабар қилинган пайтдан олдин ҳам мавжуд эди.

Дейксис мулоқот матни билан боғлиқдир. Мисолда берилган се (“бу”) кўрсатиш сифати бирор бир объектни номламайди, балки у бир матнда сўз юритилаётган воқелик объектини кўрсатишга ишора қилувчи дейктик тушунча вазифасини бажаради.

Матндаги дейктик тушунчани тушунишда субъектнинг роли, макон дейксисининг лексик-грамматик хусусиятлари таҳлил қилинади.

Матнда референциал статусни белгилашда онг субъекти асосий шакл бўлиб ҳисобланади. Онгда юзага келган тушунчанинг лисоний воқеланиши унга лисоний шакл, тус беришни тақозо этади. Нутқий тузилма тўлиқ мазмунга эга бўлиши учун грамматик шакл олиши керак. Нутқий тузилманинг мулоқот бирлигига айланиши ва матнда ўз ўрнини топиши учун у матнга мос келиши ва умумий коммуникатив мақсадга эришиш эҳтиёжини қондириши лозим бўлади. Бунга:

- бадиий матнда дейксисга адресат муносабатининг белгиланиши;
- ишоравий белгиларнинг бадиий матнда қўлланиши;
- бадиий матнда макон ва замон дейксисининг боғлиқлиги;
- грамматикалаштириш ҳодисаси, яъни нутқий тузилманинг тўлиқ мазмунга эга бўлиши учун грамматик шакл олиши аниқлик киритади.

Дейктик белгилар грамматик хусусиятлари жиҳатдан турли гуруҳларга ажратиб ўрганишни тақозо этади. Булар равиш ва олмош сўз туркумларига мансуб лисониий бирликлар бўлиб, улар шахс ва предметни нутқий мулоқот ҳудудидан “яқин” ёки “узоқ” жойлашишига нисбатан тавсифлаш мақсадида

қўлланади. Бундай тавсифда маконнинг узоқ ёки яқинлиги нафақат сўзловчига, балки тингловчи – адресатга нисбатан ҳам белгиланиши мумкин. Бундан ташқари, маконнинг “вертикал” ва “горизонтал” жойлашиши ҳам дейктик иборалар қўлланишига таъсир кўрсатади.

Масалан: *“A l’heure où nous écrivons **ceci**, Hardquanonne qui sait **ces** faits et qui **y** a participé comme auteur principale, est détenu au prison“. (Биз **буни** ёзаётган вақтда, **бу** воқеаларни биладиган ва **у ерда** асосий муаллиф сифатида қатнашган Хардканон қамоқхонада ушлаб турилганди.)* [7.51] Француз тилида кўрсатиш олмоши ва кўрсатиш сифати нарсага ишорани билдирса, ўзбек тилида уларнинг ўрнига кўрсатиш олмоши ишлатилмоқда, ўрин равиши эса ҳар икки тилда ҳам нутқий ҳудудни ифодаламоқда.

Макон маъносидаги дейктик сўзлар макон координацияси марказига нисбатан турли муносабатларни ифодалайди: марказга нисбатан жойлашувчи “*Il appella cent fois tous ceux qui pouvait être **là**.*”[7.81] *(У ҳаммани **ўша ерда** бўлиши учун юз марталаб чақирди.),* марказга нисбатан ҳаракатнинг йўналиши ва жойланиши - *“Le loup **était allé** silencieusement se coucher **près de** sa chaîne.”*[7.85] *(Бўри ўз занжири **ёнига** ётиш учун жимгина **борди**.)*

ҳаракат феъллари ўз маъноларида ҳам маънонинг дейктик улушига эга бўлиши мумкин. Макон дейктик ибора координациясининг қайсидир бир марказини кўрсатади. Феъл эса бутунича ушбу марказга бўлган муносабатини ифодалайди.

Кўрсатиш олмошлари макон дейксис сўзлар туркумига киради. Кўрсатиш олмошлари “бевосита кўрсатувчилар” вазифасини бажаради ва имо-ишоралар билан мустаҳкам боғланган. Уларнинг қўлланиши бевосита вазият билан боғлиқ. Макон дейксисининг бошқа сўзларидек кўрсатиш олмошлари ҳол координациясини ифодалаш билан бирга, объектнинг ушбу марказга муносабатини ҳам ифодалайди, бироқ уларнинг асосий вазифаси жойлашувни эмас, балки ушбу вазиятда объект мавжудлигини кўрсатишдан иборат. Кўрсатиш олмошлари ажратиб кўрсатиш вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, дейксис моҳиятан берилган сўз маъносини очиш учун тингловчининг вазият таҳлилига киришишидир ва бу сўзнинг маъносидаги вазиятни кўрсатиш деб тушунилади.

Дейктик белгилар деб шахс, макон ва вақтни ифодаловчи ишора бирликларга айтилади. Дейксис ҳодисасини ўрганиш катта қизиқиш ҳосил қилади, чунки улар сўзларнинг маъновий ранг-баранглигини ва турли сўз гуруҳлари мазмуний тузилишининг ўзига хослигини кўрсатади. Дейктик “майдонлар”ни ажратиш ва ўрганиш (масалан: макон, замон дейксис “майдонлари”) лексикада тизимли муносабатларнинг чуқурроқ ўрганилишига имкон бериши мумкин.

Адабиётлар:

1. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Т.,2008
2. Кривенко Г.А. Роль дейктических слов в референции автора художественного текста.// http://www.rusnauka.com
3. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.,2004.
4. Уфимцева А.А. Типы словесных знаков. - М., 1977
5. Ахманова. Словарь лингвистических терминов.– М., 2004. http://www.classes.ru/grammar/174.
6. Кацнельсон С.Д. Содержание слова, значение и обозначение. Серия “Лингвистическое наследие XX века».– М., 2004. – 6-bet.
7. V. Hugo. L’homme qui rit . – M., 1972. – 120 bet.

Андижон давлат университети,
2012 йил 30 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)